

Халқ олдидаги масъулитни ҳис этайлик

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган биринчи мажлисида Юртбошимизнинг биз депутатларга мурожаатларини катта қизиқиш ва масъулият билан тингладик. Бугунги кунда Ўзбекистон ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олмоқда. Мана шу жараёнларда биз халқ вакиллари Депутат деган юксак номни, одамларнинг ишончини оқлаш учун аҳолининг муаммоси билан шуғулланишимиз, уларнинг оғирини енгил қилишимиз, дарди билан яшаб, катъиятли, жонкуяр бўлишимиз зарур эканини яна бир бор ҳис этмоқдамиз.

Юксак депутатлик минбаридан туриб биз депутатларга атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ва тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш бўйича берилган улкан имтиёзлар дунёнинг бирорта мамлакатада топилмайди.

Таъкидлаш жозки, минтақамизда экология соҳасида ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар мавжуд. Шундай экан, биз Экоҳаракатдан сайланган депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият бошлар эканмиз экология соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, уларнинг ижро этилиш устидан парламент назоратини амалга ошириш асосий вазифамиз бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бу ўринда яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда 2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинди. Чунки, фидокорона меҳнат қилган халқимизнинг жасоратини, Ватани учун, халқи учун хизмат қилган кишиларнинг номларини сақлаш, уларнинг фидойилиги келажак авлод учун ҳамиша ибрат бўлиши лозим. Шу билан бирга бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган кишиларнинг ҳурматини жойига қўйишда муҳимдир.

Президентимиз бугунги кунда дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кучайиб бораётганлигини таъкидладилар. Юртбошимизнинг минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, дунёда рўй бераётган қалтис ва суронли вазиятларни хал этиш борасида билдирилган фикрлари бугун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг акс садо бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустақамлаш йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ эртанги кунга ишонч билан, Юртбошимиз раҳномоликларида амалга оширилган ислохотларимиз самараси бугун мамлакатимизни, унинг тараққиётини жаҳон тан олмоқда. Халқимизнинг кундалик турмуши янада яхшиланиб, обод ва фаровон бўлиб

бораётганлигини жаҳон афгор оммаси тан олаётгани ҳар бир фуқаромизда фахр ва ифтихор туйғуни оширмоқда.

**Абдурахим ҚУРБОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Экоҳаракат
депутатлари гуруҳи аъзоси**